

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил сентябрь ойининг 29 кунда, жиноят ишлари бўйича Сардоба туман судининг Сардоба тумани маданият бўлими маъмурий биносида, сайёр очик суд мажлисида,

шу суд раиси Ж.Мамуровнинг раислигида,

Ш.Суюнбоевнинг котиблигида, тарафлардан Сардоба туман прокурори ёрдамчиси Ш.Нурматов, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси – адвокат Б.Юлдашевнинг иштирокида, [REDACTED] га оид 1-1207-2501/91 рақамли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш хужжатларига кўра:

[REDACTED]
туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, судланмаган, ишламайди, Сирдарё вилояти, Сардоба тумани, [REDACTED] МФЙ, [REDACTED] кўчаси, [REDACTED] яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2025 йил 25 сентябрда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларига ҳуқуқий баҳо бериб, жиноят иши хужжатларини тафтиш қилиб, тарафларнинг музокарасини ҳамда судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

[REDACTED] 2025 йил май ойида ўзининг яшаш хонадони - Сардоба тумани, [REDACTED] МФЙ, [REDACTED] кўчаси, 10-уй, 2-хонадон томорқасида, тақиқланган экин 1 туп каннабис (наша) ўсимлигини экиб, тагига ишлов бериб, парваришлаб келаётгани 2025 йил 15 июль куни Сардоба туман ИИБ ходимлари томонидан Сардоба тумани худудида ўтказилган тадбир давомида аниқланиб, тегишли тартибда хужжатлаштириб олинган.

Судланувчи [REDACTED] судда айбига тўла иқрорлик билдириб, Сардоба тумани, [REDACTED] МФЙ, [REDACTED] кўчаси, 10-уй, 2-хонадонда оила аъзолари билан яшаши, 2025 йил май ойида хонадони томорқасига ўзининг истеъмоли учун 1 дона наша ўсимлиги экиб парваришлагани, 2025 йил 15 июль куни ИИБ ходимлари уйини холислар иштирокида кўздан кечиришганида шу наша ўсимлигини аниқлаб, хужжатлаштириб олишгани, ушбу нашани ўзининг истеъмоли учун етиштираётган бўлгани, сотиш мақсади бўлмагани ҳақида кўрсатув бериб, қилган ишидан пушаймонлигини инобатга олиб, енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Судланувчи [REDACTED] нинг тақиқланган экин 1 туп каннабис (наша) гиёҳвандлик ўсимлигини қонунга хилоф равишда парваришлаб,

етиштиришда ифодаланган жиноятни содир этганликдаги айби, ўзининг айбига тўла иқрорлик ва пушаймонлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, иш бўйича тўпланган ва суд мажлисида текширилган далиллар, жумладан:

гувоҳ

лавозимида ишлаши, ИИБ ходимлари мутахассис тариқасида жалб қилган тадбирда ҳозирда исми шарифи унга маълум бўлганнинг яшаш хонадони томорқасида аниқланган 1 туп каннабис (наша) гиёҳвандлик ўсимлиги атрофини ўрганганида, агротехник тадбирлар ўтказилиб, ишлов берилиб, парваришланаётганини аниқлагани ҳақидаги;

гувоҳ суддаги, ИИБ ходимлари таклифи билан ҳолис бўлиб иштирок этган 2025 йил 15 июль куни ўтказилган тадбирда, ҳозирда исми шарифи унга маълум бўлганнинг Сардоба тумани, МФЙ, кўчаси, 10-уй, 2-хонадон томорқасида 1 дона наша ўсимлиги экиб парваришланаётгани аниқланиб, ҳужжатлаштириб олингани ҳақидаги кўрсатувлари;

жиноят ишининг 6-11-варақларидаги, уй-жойни кўздан кечириш баённомасида,нинг Сардоба тумани, МФЙ, кўчаси, 10-уй, 2-хонадондаги томорқасида 1 туп каннабис (наша) гиёҳвандлик ўсимлиги экиб парваришланаётгани аниқлангани баён қилиниб, фотосуратлари илова қилингани;

жиноят ишининг 31-32-варақларидаги, Сирдарё вилоят ИИБ эксперт-криминалистика марказининг 2025 йил 15 июлдаги 1412-сонли ҳулосасида, текшириш учун тақдим этилган 1 туп ўсимликлар таркибида гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол мавжудлиги, ушбу ўсимликлар каннабис (наша) ўсимликлари деб аталиши, оғирлиги 53 грамм экани қилингани;

шунингдек, жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланди.

Суд, дастлабки тергов органи томониданнинг ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблади.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли қарори 16-бандида, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни қонунга ҳилоф равишда етиштириш деганда, қонунчиликни бузган ҳолда бундай ўсимликларни экиш ва етиштириш учун махсус шароит яратиш, шунингдек, уларни экиш ва етиштириш, етиштириш технологиясини такомиллаштириш, янги навларини яратиш, ҳосилдорлигини ва мавжуд иқлим шароитига чидамлилигини ошириш фаолиятини тушуниш лозимлиги; 19-бандида, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни қонунга ҳилоф равишда етиштириш учун ЖК 270-моддаси билан жинойий жавобгарлик келиб чиқиши, етиштирилиши тақиқланган экин экиш деганда, бундай экинлар уруғини тегишли руҳсатсиз ҳар қандай ер

майдонига, шу жумладан, бўш ётган ерларга ёки мослаштирилган идишларга уруғини сепиш ёки кўчатини ўтказиш тушунилиши лозимлиги, ушбу жиноят ўсимлик униб чиққан-чиқмаганлиги ёки ўсган-ўсмаганлигидан қатъий назар, экин экилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланиши, айбдорнинг ҳаракатлари экин майдони ўлчамидан келиб чиққан ҳолда ЖК 270-моддасининг тегишли қисмлари билан квалификация қилиниши, бунда қилмишни ушбу модданинг биринчи қисми билан квалификация қилиш учун экин майдонининг ўлчами 250 квадрат метрдан кам бўлиши кераклиги, тақиқланган экинларни етиштириш деганда, униб чиққан ёки ўтказилган кўчатларни уларнинг пишиш босқичигача бўлган давр ичида парвариш қилишни тушуниш кераклиги тушунтирилган.

Иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, [REDACTED] тақиқланган экин 1 туп каннабис (наша) гиёҳвандлик ўсимлигини қонунга ҳилоф равишда парваришлаб, етиштирган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозимлиги; 5-бандида, судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари кераклиги тушунтирилган.

Суд, [REDACTED] га жазо тайинлашда, айбига иқрорлик ва пушаймонлик билдирганини жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатини йўқ деб ҳисоблаб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилган ҳолда ҳамда юқорида қайд этилган Пленум қарори тушунтиришларидан келиб чиқиб, унинг содир этган қилмиши ЖКнинг 15-моддаси 2-қисми талабига кўра ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят ҳисобланишини эътироф этиб, енгиллаштирувчи ҳолатларни ва моддий аҳволини инобатга олган ҳолда ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан санкция доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни;

Республика ихтисослаштирилган наркологиya илмий амалий тиббиёт маркази Сирдарё вилоят минтақавий филиалининг 2025 йил 23 майдаги 44-сонли далолатномасида мажбурий даволанишга муҳтож эмаслиги кўрсатилгани сабабли, тиббий йўсиндаги мажбурий даволаниш чораси қўлламасликни,

иш бўйича ашёвий далил тариқасида олиниб, ДХХ Сирдарё вилоят бошқармасига топширилган 1 туп каннабис (наша) гиёҳванд ўсимлиги ҳукм қонуний кучга киргач, тегишли тартибда йўқ қилишликни белгилашликни;

